

PAPER

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА СОЛИҚ ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Чориев.О.О^{1,*}

¹Банк-молия академияси тингловчиси

* choriyev@gmail.com

Abstract

Ушбу тезисда бугунги кунда хуфёна иқтисодий ётти камайтиришда муҳим аҳамият касб этувчи солиқ хавфни бошқариш тизими тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари хавфни таҳлил қилиш, хавфни камайтириш чоралари, хавфни мониторинг қилиш масалаларни ҳам ўз ичига олган.

Key words: Хавфни бошқариш, солиқ қонунчилигига риоя этиш, солиқ-ҳамкор, автокамерал.

Кириш

Солиқ органларида хавфларни бошқариш жараёни белгиланган мақсадларга эришишга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай таъсирни самарали камайтиришни англатади. Бугунги кунда ахборот технологиялари ривожланган, иқтисодий онг ўсган, солиқ қонунчилиги тез-тез ўзгарадиган шароитда, тадбиркорлар сафи кенгайган бир пайтда солиқ органлари жуда кўп хавфлар билан ишлашига тўғри келмоқда. Бунга солиқ қонунчилигига риоя этмасдан солиққа оид жинойтларни амалга оширишни ёки корхонани банкротликка олиб бориш йўлини ҳам мисол келтириш мумкин. Хавфларни бо-

шқариш қайси соҳада ишлатилмасин барчасида хавфларни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар кетма-кетлиги амалга оширади. Солиқ органларида ҳам ўзларининг солиқ хавфларини бошқариш тизимини яратиш зарурияти юзага келди.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Солиқ хавфларини бошқаришнинг объекти солиқ органларига ўзларига юклатилган вазифаларни бажарилишига энг тўғри қарорларни қабул қилиш орқали имконият яратишдир. Ушбу тизим қарор қабул қилиш жараёнидаги турли-хил ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлашда

Compiled on: February 14, 2026.

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted to *Advances in Science and Sustainability* for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/).

ёрдам беради ҳамда ҳар бир босқичда кейинги босқичга ўтмасдан олдин аниқ ва мақсадли қарорлар ижросини таъминлайди. Натижада, босқичларнинг самарали яқунланганлигини баҳолаш имконияти пайдо бўлади ҳамда камчиликларни аниқлаш жараёни осонлашади. Бундан, ташқари солиқ хавфларини бошқариш тизими қуйидагиларни амалга оширишда ёрдам беради:

барча солиқ тўловчиларга бир хил муносабатдаги солиқ маъмурчилигини яратиш;

солиқ қонунчилигига риоя этмайдиган солиқ тўловчиларда солиқ назорати тадбирларининг тўғри тақсимланишига эътибор қаратиш;

инсон ресурсларидан, молиявий ва техник воситалардан энг самарали усулда фойдаланиш;

ихтиёрий солиқ қонунчилигига бўйсунувчи солиқ тўловчилар сонини ошириш;

солиқ хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Хавфни бошқаришда биринчи навбатда хавфни таҳлил қилиш жараёни учун моддий техника базасини модернизация қилишга ва ташқи манба маълумотларини шакллантиришга эҳтиёж бор эди Солиқ органларининг маълумотлар базасини кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257-сонли Қарори билан дастлабки қадамлар ташланди.

Ушбу қарорда солиқ органларининг функциялари ва улардан келиб чиқадиган тузилма бозор иқтисодиёти талаблари мос келмаслиги, шунингдек хорижий мамлакатларда қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари солиқ органларида жорий қилинмаганлиги таъкидлаб ўтилган. Солиқ органларининг моддий-техник базасини кучайтириш ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда солиқ идораларининг ягона интеграци-

ялаштирилган ахборот ресурс базасини шакллантиришни босқичма-босқич амалга ошириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Муҳокама

Солиқ органлари қарорлардан белгиланган топшириқларни ижросини бажариб ташқи манба маълумотларини шакллантириб бўлгандан сўнг, асосий эътибор Солиқ қўмитасининг таҳлил тизимига қаратилди.

Бугунги кунда ишлаб турган солиқ хавфини бошқариш тизимининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон Қарори ҳисобланади. Мазкур қарор билан Қуйидагилар солиқ органлари томонидан хавфни бошқариш тизимини қўллаш мақсадлари ҳисобланади:

юқори хавфга эга бўлган соҳаларга эътиборни жамлаш;

солиқ солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш имкониятларини ошириш;

солиқ хавфи даражасидан келиб чиқиб солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ текширувлари шакллари белгилаш.

Солиқ қўмитаси томонидан хавфни бартараф этишга ёки олдини олишга қаратилган бир нечта дастурлар ишлаб чиқилган. Шундан дастурлардан бири Солиқ-ҳамкор тизими ҳисобланади. Ушбу тизим орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида жисмоний шахслар томонидан маълумотлар солиқ органига юборилди. Солиқ органи томонидан мазкур мурожаатларда келтирилган ҳолатларнинг мавжудлигига сайёр солиқ текшируви орқали аниқлик киритилади.

Хавфни бартараф этишга қаратилган самарали инструментлардан яна бири Автокамерал дастури ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 138-моддасида автокамерал дастури текширувдан олдинги таҳлил деб номланган ва унга солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини ва унинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотни автоматлаштирилган таҳлил қилиш деб тариф берилган. Бунда албатта, автоматлашган таҳлилни ўтказиш учун керакли ташқи манбалар шакллантирилганлигини инобатга олиш лозим. Агар ташқи манба етарлича шакллантирилмаган бўлса автокамерал керакли натижа бермайди.

Таҳлил солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказилади. Солиқ органларининг автоматлаштирилган тизими солиқ тўловчи тўғрисидаги мавжуд бутун маълумотни таҳлил қилади. Бу солиқ тўловчини идентификация қилиш, Солиқ кодексида мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва натижани солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар билан солиштириш имконини берадиган маълумотлардир.

Хусусан, ЭХФ (масалан, МХИК), БЮД, инвойслар, ТСОЯЭАТ, кадастр ва E-ijara тизимларидаги маълумотлар, my.soliq.uz тизимидаги онлайн-НКМ чекларидаги маълумотлар ва солиқ органларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар таҳлил қилинади. Ушбу маълумотлар солиқ тўловчи томонидан муайян муддатларда тақдим этилган солиқ ҳисоботлари маълумотлари билан солиштириб кўрилади. Автокамерал мезонлари такомиллаштирилиб бугунги кунда 500 тага яқинлашди. Мазкур мезонлар асосида ҳисоб-китоб натижаларини my3.soliq.uz портали орқали солиқ тўловчига ҳам кўриш имконияти яратилган.

Шунингдек, ҳар ой якуни билан ҳисоблаш натижалари юзасидан солиқ тўловчиларга хатликларни бартараф этиш бўйича хабарномалар юборилади. Солиқ тўловчи томонидан хатликлар мустақил бартараф этилмаса назорат тадбирлари тайинланади.

Шунингдек, жисмоний шахслар учун эса солиқ муносабатларини амалга ошириш мақсадида мобил илова яратилди. Мазкур иловада солиқ объектларини ҳисобга қўйиш, солиқларни электрон тўлаш имкониятлари яратилди. 2025 йил 1 сентябрь ҳолатига солиқ мобил иловасидан 12,5 млндан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтган.

Иловада 12 турдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилган бўлиб, улардан энг оммабопи солиқларни банк кассаларига ёки солиқ органларига бормасдан онлайн тўлаш хизмати дир.

Хулоса ва таклифлар

Тизимни янада ривожлантириш, солиқ қонунчилигига риоя қилиш даражасини яхшилаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

солиқ органи томонидан юқори хавфли барча

солиқ турларини ва барча сегментларни қамраб олувчи солиқ қонунчилигига риоя қилишни яхшилаш режасини ишлаб чиқиш;

хавфни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш тадбирлари аниқ тизимли жараёнлар асосида амалга ошириш, бунда хавфни бошқариш методологияси ишлаб чиқиб, унда ҳар йилги давомий жараёнлар кетма-кетлиги кўрсатиш;

барча хавфларни қамраб олиш бўйича тузилган жараёнларнинг самарадорлигини вақти-вақти билан тест қилиб баҳолаб туриш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ - 1257-сонли “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори (2010).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1843-сонли қарори (2012)
3. Европа комиссияси (2010). Солиқ органларига солиқ хавфини комплекс бошқариш бўйича қўлланма.
4. Technical Management Board Working Group, ISO 31000 стандарти, 2018 йил №02 сони.
5. OECD (2004), Compliance Risk Management: Managing and Improving Tax Compliance.